

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСОМОВ МИРАСКАД МАКСУДОВИЧ

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ПЕРИАПИКАЛ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ
ЯЛЛИГЛАНИШ ЖАРАЁНЛАР АСОРАТИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исомов Мираскад Максудович

Ҳомиладор аёллар периапикал тўқималаридаги яллиғланиш
жараёнлар асоратини профилактикаси..... 3

Исомов Мираскад Максудович

Профилактика осложнений воспалительных процессов
периапикальных тканей у беременных женщин..... 25

Isomov Miraskad Maksudovich

Prevention of complications of inflammatory processes
of periapical tissues in pregnant women..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСОМОВ МИРАСКАД МАКСУДОВИЧ

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ПЕРИАПИКАЛ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ
ЯЛЛИГЛАНИШ ЖАРАЁНЛАР АСОРАТИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1338 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомуродов Қахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупов Руслан Доккаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Дусмухамедов Махмуд Закирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

М.Аспанов номидаги Ғарбий Қозогистон тиббиёт университети (Қозогистон)

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «5» март соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65, факс: (+99871) 230-47-99, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация (PhD) билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65, факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» февраль кунлари тарқатилди.
(2022 йил «17» февраль даги 109 рақамли реестр баённомаси).



Н.К.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, сўнгги йилларда ҳомиладор аёлларда стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратлари сони доимий равишда ошиб бормоқда. Тиббий статистик маълумотларга кўра, фақат сўнгги уч йил ичида ҳомиладорликнинг физиологик кечишида тиш кариесининг тарқалиши 91,4% гача, пародонт тўқимасининг касалликлари 90% ни ташкил қилади. Иккиламчи кариес, кариес жараёнининг ривожланиши, эмал гиперестезияси ҳомиладор аёлларнинг 79% да учрайди. Юқорида санаб ўтилган стоматологик касалликларнинг ўткир асоратлари нафақат она организмига, балки туғилажак болалар саломатлигига ҳам салбий таъсир этади. Маслаҳат поликлиникаларда стоматологлар сони етарли бўлишига қарамай, «...ҳозирги вақтда оила қуришдан олдин, шунингдек, ҳомиладорликни режалаштириш даврида аёлларни ўз вақтида профилактик стоматологик кўриқдан ўтказиш ва маслаҳат бериш бўйича ягона регламент мавжуд эмас»¹. Ҳомиладор аёллар орасида оғиз бўшлиғи гомеостазига ва организм умумий ҳолатига таъсир қилувчи хусусиятларга эга бўлган стоматологик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг замонавий усуллари таклиф қилиш имконини берадиган концепцияни шакллантириш зарурати туғилди.

Бугунги кунда дунёда кўплаб илмий тадқиқотлар ҳомиладорлик даврида тиш атрофи тўқималари касалликларининг ривожланишига бағишланган. Периапикал тўқималарнинг яллиғланиш жараёнлари ва уларнинг юз-жағ соҳасидаги асоратлари – ҳомиладорликда ёндош кечадиган касалликларнинг энг кенг тарқалган гуруҳларидан биридир. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, ҳомиладорлик ёндош патологик жараёнлар билан кечган аёллар орасида пародонт касалликлари 43,5% ҳолларда, ҳомиладорлик меъёрда кечган аёлларда эса 15,7% ҳолларда аниқланган. Л.П.Киселникова (2011) ўз тадқиқотларида текширилган ҳомиладорларнинг 60%дан 93%гача гингивит ва пародонтит ташхиси қўйилган, Т.Н.Манак (2017) маълумотларига кўра, Беларуссия Республикаси Минск шаҳрида ҳомиладор аёлларда кариес ва пародонт касалликларининг тарқалиши 81дан 98%га, И.И.Бакулин (2010) маълумотларига кўра, ҳомиладорлик даврида аёлларнинг 84,6-92,5%ида гингивит ривожланади. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра ҳомиладор аёлларнинг 94,7% терапевтик стоматологик ёрдамга муҳтож.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек ушбу патология билан оғриган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «...аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида,

¹ Косенко И.Б., Шарафутдинова Н.Х. Социально-гигиенические аспекты стоматологических заболеваний среди беременных женщин // Вестник РУДН, серия Медицина, 2009, № 4.-С.12-15.

жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, юқори технологик ташҳислаш ва даволаш усулларини татбиқ этиш йўли билан соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини қўллаб-қувватлаш...»² каби вазифалари белгиланган. Бу вазифалар чуқурлаштирилган илмий тадқиқотларнинг замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликлар асоратларини ташҳислаш ва даволаш, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш каби устувор йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги ПҚ-4513-сон қарори, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори, 2018 йил 10 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5274-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладорлик даврида асосий стоматологик касалликлар - тишлар кариеси ва пародонт касалликларининг юзага келиш хавфи сезиларли даражада ошади. Ҳомиладор аёллар организмнинг физиологик хусусиятлари тиш атрофи соҳасидаги патологик жараёнларни тез ривожланишига олиб келади. Маълумки, ҳомиладорлик даврида нейроэндокрин тизимда сезиларли ўзгаришлар юзага келиб, бу асосан микроэлементлар ва электролитлар алмашинувида катта ўзгаришларга олиб келади ва иккиламчи иммунтанқислик ҳолати шаклланишига сабаб бўлади.

Одонтоген яллиғланиш касалликларини юзага келишида пиоген аэроб ва факултатив анаэроб микрофлора: стафилококклар - 15%, стрептококклар 6% ва облигат анаэроб бактериялар - 79% ҳолларда асосий роль ўйнайди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Одонтоген яллиғланиш ўчоғи микрофлорасининг бундай таркиби кўплаб микробиологик тадқиқотларда тасдиқланган (Романова В.Л., 2014; Казаков Р.Д., 2015). Ҳомиладорлик даврида юз-жағ соҳасининг одонтоген яллиғланиш касалликлари махсус клиник кўринишлар билан тавсифланади ёки оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Оғир интоксикация ва гипертермия билан кечадиган ўткир инфекциялар бачадон фаолиятини кучайтириши ва шу билан ҳомиладорликнинг тўхташига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш муҳимки, периапикал тўқималарнинг ўткир яллиғланиш жараёнларини даволашда ҳомиладор аёлларга жарроҳлик стоматологик ёрдам кўрсатиш муаммосининг оптимал ечими ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш тактикаси ҳали ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб, муаммолар изланишни янада чуқурлаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан, ҳомиладор аёлларда юз-жағ соҳасидаги яллиғланиш жараёнларини ташхислаш ва даволашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотни ўтказиш учун асос бўлди.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институтининг институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01190023-сонли “Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари, деформациялари, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатлари, ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясига замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладор аёллар периапикал тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларини комплекс даволаш самарадорлигини ошириш ва уларнинг асоратларини олдини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладор аёлларни периапикал соҳаларда ўткир яллиғланиш жараёнларининг асоратлари частотасини таҳлил қилиш;

ҳомиладор аёлларда периапикал тўқималар соҳаси яллиғланиш жараёнларида оғиз бўшлиғи суюқлигининг цитокин профилини, оғиз бўшлиғи микрофлораси ҳолатини ва умумий ҳамда маҳаллий иммунитет кўрсаткичларни баҳолаш;

периапикал соҳа тўқималардаги одонтоген яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш учун ультратовушли остеометрияни қўллаш имкониятини асослаш;

юз-жағ соҳаси атрофидаги тўқималарига одонтоген инфекция тарқалишининг олдини олиш учун ҳомиладор аёлларга амбулатория шароитида стоматологик ёрдам кўрсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган, юз-жағ соҳасининг турли хил одонтоген яллиғланиш касалликлари билан оғриган 195 нафар ҳомиладор аёллар танлаб олинди, назорат гуруҳини 20 нафар соғлом аёллар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт, сўлак ва стоматологик кўрсаткичларни аниқлаш учун гигиена воситалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадга эришиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун клиник-стоматологик, биокимёвий ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда периапикал тўқималар ўткир яллиғланиш жараёнларининг ва касалхонага ётқизилганлар сонининг сезиларли даражада ортгани ретроспектив таҳлил асосида аниқланган;

юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнлари бўлган ҳомиладор аёлларда II-2, II-6, II-8 цитокинлар синтезининг кучайиши ва сўлакдаги лактоферрин миқдорининг ошиши исботланган;

ультратовушли остеометрияни қўллаш периапикал тўқималар яллиғланиш жараёнларида жағ суяклари зичлигини баҳолашда юқори диагностик аҳамияти исботланган;

ҳомиладор аёлларда жағ суяклари яллиғланган ўчоқли зоналарида суяк перфорациясини комплекс даво таркибига киритиш ўтказилаётган даволаш тадбирлари самарадорлигини анъанавий даволаш усулларига нисбатан юқорилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёллар периапикал тўқималаридаги одонтоген яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш таркибига жарроҳлик аралашув жараёнига остеоперфорация усули таклиф қилинган;

ҳомиладор аёлларда периапикал тўқималар йирингли-яллиғланиш жараёнларини амбулатор ва стационар шароитда даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган, ҳамда юз-жағ соҳаси тўқималарида патологик жараённинг асоратлари ривожланишини олдини олишга имкон бераган;

ҳомиладор аёллар периапикал тўқималаридаги одонтоген яллиғланиш касалликларида ультратовушли остеометриянинг диагностик самарадорлиги таърифи берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мос келиши, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, беморлар сонининг етарлилиги, тиббий ва статистик маълумотларнинг клиник, биокимёвий усуллар билан асосланганлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги; олинган натижалар хулосаларини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳомиладор аёлларда периапикал тўқималар яллиғланиш жараёнларини даволаш босқичларида олинган маълумотлар юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланишли жараёнлар асоратларини олдини олиш мақсадида диагностик тадқиқотлар ўтказиш ва

Ўтказилган жарроҳлик даволаш самарадорлигини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, инфекцияланган суяклар маҳаллий перфорацияси ишлаб чиқилган кам жароҳатли усули жарроҳ-стоматологлар томонидан касалхонада, ҳамда амбулатория шароитида маҳаллий оғриқсизлантириш остида қўлланилиши даволаш муддатини қисқартиради ва иқтисодий фойда келтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ҳомиладорларда стоматологик статусни ўрганиш, периапикал тўқималардаги яллиғланиш жараёнларини даволаш ва юз-жағ соҳаси яллиғланиш жараёнларининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳомиладор аёлларда одонтоген инфекцияда яллиғланиш жараёнларини олидини олишда даволаш-диагностик усулларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Ҳомиладор аёлларда одонтоген инфекцияда яллиғланиш жараёнлари профилактикасининг даволаш-диагностик алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-д/955-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ҳомиладор аёлларда юз-жағ соҳасида яллиғланиш жараёнларининг асоратлари сабабларини аниқлаш, ташхис қўйиш ва яллиғланиш жараёнларининг профилактикасини ўтказиш имконини берган;

ҳомиладор аёлларда одонтоген инфекцияда гуморал ва ҳужайравий иммунитетни ташхислашга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Одонтоген яллиғланиш касалликлари бўлган ҳомиладорларда гуморал ва ҳужайравий иммунитетни ташхислаш усули” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-д/956-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома одонтоген яллиғланиш касалликларида ҳамиладор аёлларда иммунологик ташхислаш усули, даволаш самарадорлигини башорат қилиш ва баҳолаш, ҳомиладор аёлларнинг яшаш сифатини яхшилайдиган кам инвазив жарроҳлик даволаш усулини назорат остида қўллаш имконини берган;

илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-сонли клиник шифохонаси ва Самарқанд вилоят Стоматология поликлиникасининг амалий фаолиятига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-з/398-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини жорий этиш ва қўллаш ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган стоматологик ёрдам даражасини ошириш, уларни даволаш вақтини қисқартириш ва яшаш сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг

асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорлик даврида аёлларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш жараёнлари этиопатогенези ва кечишининг ўзига хослиги”** номли биринчи боби ҳомиладор аёлларда ЮЖС яллиғланиш касалликлари патогенетик ва терапевтик жиҳатларининг муаммолари бўйича мавжуд илмий маълумотларни кўриб чиқишга бағишланган. Хусусан, ҳомиладор аёлларда стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва юзага келишида хавф омиллари, шунингдек, ҳомиладорлик даврида оғиз бўшлиғи касалликлари билан оғриган аёлларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлаган биокимёвий, клиник-функционал тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлари келтирилган.

Тадқиқот объекти - 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган 195 нафар юз жағ соҳасида йирингли яллиғланиш жараёнлари булган бемор аёллар шу жумладан назорат гуруҳида - 20 та аёллар текширилган.

Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг Катталар жарроҳлик стоматологияси бўлими базасида ҳомиладор аёлларга режали ва шошилиш равишида терапевтик ҳамда жарроҳлик стоматология ёрдами кўрсатилди. Ҳомиладор аёлларга стоматологик ёрдам кўрсатиш триместрлар бўйича, ҳар бир ҳомиладорлик даврининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди. I триместр даври - ҳомиладорликнинг 13 ҳафтасигача (13 ҳафта ҳам), II - триместр 14 ҳафтадан 27 ҳафтагача, III триместр - 28 ҳафтадан 40 ҳафтагача давом этади.

Ҳаммаси бўлиб 195 нафар ҳомиладор аёлларга стоматологик ёрдам кўрсатилди, шундан 130 нафари режали стоматологик ёрдам учун, 65 нафари шошилиш кўрсатмалар бўйича мурожаат қилди. Ҳомиладорлик муддати бўйича беморларнинг тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

Оғиз бўшлиғи аъзолари тўқималарининг ҳолатини текшириш ва олинган маълумотларни қайд этиш учун ЖССТ мутахассислари томонидан барча натижаларни “Катталардаги стоматологик статусни баҳолаш картаси” га (2013) киритиш билан ишлаб чиқилган усулдан фойдаланилди.

1-жадвал

Ҳомиладорликнинг турли муддатларида аёлларнинг шифокор - стоматологга режали ва шошилиш тартибда ташрифи

195 нафар беморлардан мурожаат қилганлар	Мурожаат қилган беморлар сони		
	I триместр	II триместр	III триместр
Режали тартибда	40	45	45
Шошилиш тартибда	20	25	20
Жами	60	70	65

Клиник текширувда беморларнинг шикоятлари (юзидаги шиш, оғиздан нохуш ҳид келиши, тиш карашлари, тишларнинг патологик қимирлаши ва ҳарорат ва кимёвий таъсиротларга сезгирлиги, овқатланиш пайтида оғрик), касалликнинг давомийлиги ва унинг ривожланиш сабаблари (биринчи белгиларнинг намоён бўлган вақти, касалликнинг табиати: илгари сабабчи тишда даволаш ўтказилганми ва қандай натижалар бўлганлиги), касбий зарарлар, ўтказилган ва ёндош касалликлар (тизимли касалликларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари билан боғлиқлиги), беморнинг гигиеник кўникмалари аниқланди.

Оғиз бўшлиғини текшириш оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ҳолати (ранги, консистенцияси, флюктуация белгиси, тилда караш), тиш формуласи, тиш қаттиқ тўқималарининг ҳолати, кариоз бўшлиқларнинг мавжудлиги, плomba ва протезларнинг қўйилиш сифатини текширишдан иборат бўлди.

Шифокор-стоматолог ва пациентлар ўртасидаги муносабатни стоматология амалиётидаги даволаш-профилактик ишнинг самарадорлигини белгиловчи омил сифатида ўрганиш учун маслаҳат поликлиника стоматологларининг ўз касбига ва беморларнинг организм саломатлиги профилактикасига муносабати бўйича социологик сўровнома ўтказилди.

42 нафар врач-стоматологнинг, шу жумладан консултатив поликлиникаларнинг 12 нафар стоматологи, ихтисослаштирилган поликлиниканинг 24 нафар жарроҳ-стоматологи ва касалхонанинг 6 нафар юз-жағ жарроҳининг сўровнома натижалари таҳлил қилинди.

Шу билан бирга оилавий маслаҳат поликлиникаларида никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтган 203 нафар аёллар сўровнома натижаларини ва 192 нафар беморларнинг ихтисослаштирилган жарроҳлик стоматология клиникасидаги амбулатор карталарни (улардан 128 нафари (67%) ҳомиладорликнинг турли муддатларида (триместрлар бўйича) ҳомиладорлар ва 64 нафари (43%) турмуш қурган ҳомиладор бўлмаган аёллар амбулатор карталари таҳлил қилинди. Стационар беморларнинг 131 та касаллик тарихи

(анамнез) таҳлили ўтказилди, улардан 67 нафарини (51%) ҳомиладорлар, 64 нафарини (49%) оила қурган, лекин ҳомиладор бўлмаган аёллар ташкил этди.

Рентгенография (нишонли тасвирларни олиш) дентал рентген ёрдамида сабаб бўлган тишни, периапикал яллиғланиш жараёнининг жойлашувини ва тарқалишини аниқлаш учун ўтказилди. Шу мақсадда барча беморлар турли проекцияларда рентген текширувдан ўтказилди: PROX “XRAY SYSTEM” (Корея) рентген-радиовизиографи билан дентал тасвирлар олинди. Радиовизиография усули беморлар оладиган нурланиш юкламаси энг кам миқдорда бўлгани учун танланди.

Иммунологик тадқиқот яллиғланиш олди цитокинлари (интерлейкинлар) IL-1α, IL-1β, IL-8, TNF-α миқдорий аниқлаш учун “Вектор-Бест” (Новосибирск) ЁАЖ реактив тўпламларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ELISA) усули билан ўтказилди.

Сурункали апикал перодонтит бўлган барча текширилган беморларда маҳаллий гомеостазни ўрганиш учун оғиз бўшлиғи суюқлиги тадқиқот материали бўлиб хизмат қилди. Меъёрнинг башоратлаш мезонлари сифатида биз назорат гуруҳидаги оғиз бўшлиғи санацияланган, тиш кариесининг асоратланган шакллари, бўлган беморларда оғиз бўшлиғи суюқлигининг цитокин ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаландик.

Тўплам билан ишлаш учун “Stat Fax 2100” фотометри (Awareness Technology) ишлатилди, у икки тўлқинли режимда (асосий тўлқин узунлиги 450 нанометр ва таққослаш тўлқин узунлиги 620-655 нанометр оралиғида) стриплар чуқурчаларидаги эритмаларнинг оптик зичлигини ўлчаш имконини берди.

Оғиз бўшлиғи суюқлигидаги лактоферрин миқдорини аниқлаш “Лактоферрин-стрип” (“Векторбест”) реагентлари тўпламидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан амалга оширилди.

Маълумки, даволаш тактикасини ва дори-дармонларни буюришда шифокор тавсиясида амалга оширилади. Ҳомиладорлик даврида антибиотикларни, вирусларга қарши препаратларни ва бошқа дори воситаларини қўллаш бўйича маълум чекловлар мавжуд.

Сурункали перидонтит хуружини анъанавий даволашнинг тактик схемасининг асосий компоненти йирингли ўчоқнинг асосий ёки иккинчи даражали жарроҳлик ишлови бўлиб, етарлича йиринга йул очиш, антибактериал, дезинтоксикацион ва десенсибиловчи даволаш оркали бўлган тишни олиб ташлаш, шунингдек организм асосий функционал тизимларининг гомеостазини тиклашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлди.

Амалга оширилган даволаш-профилактик чора-тадбирларига қараб, барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди:

Назорат гуруҳига 20 нафар ҳомиладор бўлмаган соғлом аёллар киритилди;

1-гуруҳ ЮЖСда яллиғланиш жараёнлари бўлган 22 нафар ҳомиладор бўлмаган аёллардан иборат бўлди;

2-гурух 45 нафар ҳомиладор аёллардан иборат бўлиб, улар ўтказиладиган даволашга қараб иккига бўлинди:

2-а гуруҳи (анъанавий даво) – 24 та ҳомиладор аёл, анъанавий даво фониди, йирингли ўчоқ жарроҳлик усулида очилгандан сўнг, йирингли бушлик хлорофиллипт эритмаси билан ювилди ва “Амибактам” препарати ҳар 6 соатда 1,5 граммдан вена ичига юборилди;

2-б гуруҳи (комплекс даво) - анъанавий давога қўшимча равишда, суякда перфорация ўтқазилди ҳамда йирингли ўчоқ жарроҳлик усулида очилгач, ялонгочланган жағ вестибуляр юзасида ялиғланиш ўчоқ соҳасида жароҳат ESSENS® чайиш воситаси билан ювилди ва “Амибактам” препарати ҳар 6 соатда 1,5 граммдан вена ичига юборилди;

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш IBM туридаги замонавий ҳисоблаш тизимлари ёрдамида стандарт дастурлар пакети - “Microsoft Excel-2012” ёрдамида амалга оширилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматини (M), ўртача стандарт хатони (m), нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблашда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) бўйича аниқланди.

Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқот натижалари”** номли учинчи бобида периапикал тўқималарда ялиғланиш жараёнлари бўлган ҳомиладор аёлларнинг стоматологик статусини ўрганиш натижалари таҳлил қилинган.

Уч йиллик (2017-2019 йиллар) маълумотларига кўра, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси Катталар жарроҳлик стоматологияси бўлимига ЮЖС одонтоген ялиғланиш жараёнларининг турли хил оғирлик даражалари билан касалхонага ётқизилган 19 ёшдан 44 ёшгача бўлган 67 нафар ҳомиладор аёлнинг касаллик тарихи ва 128 та амбулатор карталари таҳлил қилинди. Касаллик тарихининг статистик таҳлили ҳомиладорликнинг турли муддатларида юз-жағ соҳасидаги ялиғланиш жараёнларининг оғирлиги юз ва бўйининг турли локализацияда ўтқазилган жарроҳлик ва консерватив аралашувларга кўра амалга оширилди.

ТДСИ клиникаси Катталар жарроҳлик стоматологияси бўлими базасида 3 йил давомида даволанган, одонтоген ялиғланиш жараёнлари билан стационар шароитда даволанган ҳомиладор аёлларнинг 67 та касаллик таҳлил қилинганда, улардан 24 нафари 2017 йилда, 21 нафари 2018 йилда ва 22 нафари 2019 йилда даво муолажаларини олган. Ташхислар ҳамда бажарилган жароҳлик муолажалари бўйин ва юз соҳасидаги турлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалга кўра, 3 йил давомида одонтоген флегмона билан 34 (51%); одонтоген абсцесс 17 (26%), ўткир йирингли периостити 9 (13%), юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари турли инфилтратлари ва ўткир сероз лимфаденит билан даволанган ҳомиладор аёллар сони 5 (7,5%) ташкил этди.

Касаллик тарихидаги биокимёвий таҳлиллар натижаларини батафсил статистик ўрганиш асосида, касалхонага ётқизилган 67 та (100%) ҳомиладор аёлда ялиғланиш жараёнларига мос равишда лейкоцитар формуланинг

силжишидан ташқари, гемоглобин миқдорининг пасайиши ҳомиладор аёлларнинг 99,5% да кузатилиб. Уларнинг 38%да енгил, 43%да ўрта, 18,5%да оғир даражали камқонлик кузатилди.

2-жадвал

2017-2019 йилларда ТДСИ катталар жарроҳлик стоматологияси бўлимида одонтоген яллиғланиш жараёнлари билан касалхонага ётқизилган ҳомиладор аёлларнинг тақсимланиши

№	Ташхис	Операция тури	Беморлар сони	%
1.	ЮЖС флегмонаси (турли жойлашувга эга)	Флегмонани очиш	34	51
2.	ЮЖС абсцесслари (турли жойлашувга эга)	Абсцессни очиш	17	26
3.	Жағ периоститлари	Периостотомия	9	13
4.	Жағ остеомиелитлари	Секвестрэктомия	2	2,5
5.	ЮЖС инфилтрати ва лимфаденитлари	Комплекс даво	5	7,5
Жами:			67	100

Стоматолог-шифокор қабулига ташриф вақтини режалаштиришда ҳомиладорликнинг муҳим даврлари, яъни боланинг тушиш ёки эрта туғилиш эҳтимоли кўп бўладиган хавfli даврни ҳисобга олиш керак. Ушбу даврларда ички ва ташқи энг кучсиз таъсиротлар ҳам бачадонни тонусга келтириб, унинг қисқариши оқибатида бола тушиши хавфи ёки эрта туғилиши юзага келиши мумкин. Стационар шароитда юз жағ соҳасидаги яллиғланиш жараёнлари билан даволанган ҳомиладор аёлларнинг 12,0% ида муддатидан олдин туғиш кузатилди.

Тошкент давлат стоматология институтининг Жарроҳлик стоматология поликлиникасида 2017-2019 йилларда мурожаат қилган ҳомиладор аёллар мониторинги ўтказилди. Юз-жағ тизимида одонтоген яллиғланишнинг турли шакллари бўлган ҳомиладор беморларнинг 128 та амбулатория картаси таҳлил қилинди. Ташхислар ва бажарилган муолажаларнинг статистик таҳлиллари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалдаги маълумотларга кўра, уч йил давомида сурункали перидонтитнинг ўткирлашуви билан амбулатор қабулга 62 та (48,0%), жағлар одонтоген периостити ташхиси билан 19 та (14,5%) мурожаат қилди; юз-жағ соҳасининг турли яллиғланишли инфилтрацияси билан 19 нафар (14,5%) жарроҳ-стоматологга мурожаат қилди.

Амбулатор карталарни ўрганиш асосида, ҳомиладор аёлларни стоматологик диспансеризациядан ўтказиш вақтида аёлларнинг 86% кўриги сифатсиз бўлиб, “сохта маълумотномалар асосида” амалга оширилган. Статистик таҳлил натижаларига кўра, амбулатор жарроҳлик аралашувдан

сўнг мурожаат қилган 128 нафар (100%) ҳомиладор аёлдан кузатув давомида 21 нафари (15,8%) юз-жағ соҳасининг турли хил йирингли- некротик асоратлари билан касалхонага ётқизилганлиги аниқланган.

3-жадвал

2017-2019 йилларда ТДСИ жарроҳлик стоматология поликлиникасига одонтоген яллиғланиш билан амбулатор қабулга мурожаат қилган ҳомиладор аёлларнинг тақсимооти

№	Ташхис	Операция тури	Беморлар сони	%
1.	Перикоронарит	Перикоронаротомия, тишни олиб ташлаш	11	8,8
2.	Сурункали периодонтитнинг хуружи	Тишни олиб ташлаш	62	48
3.	Жағ периостити	Периостотомия, тишни олиб ташлаш	19	14,5
4.	Тиш-катаги остеомиелити (альвеолит)	Секвестрэктомия, Тиш катаги кюретажи	7	5,4
5.	ЮЖС инфилтрати ва лимфаденити	Комплекс медикаментоз даво	19	14,5
6.	Пародонтит, гингивит, пародонтоз	Тишни олиб ташлаш, комплекс даволаш	8	6,6
7.	Одонтоген гайморит	Комплекс даволаш	2	1,3
Жами:			128	100

ЮЖС нинг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган ҳомиладор аёлларда ултратовушли остеометрия текширувида суяк тўқмалари 120 ± 36 кГц тебраниш частотаси билан амалга оширилди. Узатувчи диагностик бошча сабаб бўлган тишнинг илдиз чўққисига нисбатан дистал ҳолатда, қабул қилувчи бош эса проксимал ҳолатда ўрнатилди. Датчиклар орасидаги масофа 94,0 мм. қилиб фиксацияланди.

Назорат гуруҳидаги текширилган соғлом аёлларда ултратовуш тебранишларининг ўтиш вақти ўртача $3843,51 \pm 20,1$ м/сек, 1-гуруҳдаги беморларда даволаш бошланишидан олдин $3155,42 \pm 14,6$ м/сек, 2а-гуруҳдаги беморларда $3150,28 \pm 18,7$ м/сек.ни, 2а-гуруҳдаги беморларда $3152,16 \pm 15,2$ м/сек.ни ташкил қилди. Операциядан 14 кун ўтгач ўтказилган кўрикда кўрсаткичлар қуйидаги динамикага эга бўлди: 1-гуруҳдаги беморларда $3291,17 \pm 15,3$ м/сек., 2а-гуруҳдаги беморларда $3255,23 \pm 17,1$ м/сек. ва 2б-гуруҳдаги беморларда $3270,14 \pm 16,4$ м/сек. Операциядан уч ҳафта ўтгач беморлар текширилганда, 1 ва 2а гуруҳдаги беморларда ултратовуш тўлқинларнинг ўртача ўтиш тезлиги 2б-гуруҳдаги беморлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда пастроқ бўлди, яъни мос равишда $3377,25 \pm 18,1$ м/сек., $3341,58 \pm 14,9$ м/сек. ва $3368,58 \pm 14,9$ м/сек.га тенг бўлди. Ултратовушли остеометрия усули билан олинган маълумотлар шуни

кўрсатдики, 26-гуруҳдаги беморларда яллиғланиш соҳасидаги суяк тўқималарининг зичлиги 1 ва 2а-гуруҳдаги беморларга қараганда юқорирак бўлди.

Белгиланган вазифаларни ҳал этиш мақсадида 2018-2020-йилларда тишларнинг сурункали перидонтитга чалинган 18-44 ёшли 92 нафар бемор кузатувга олинди. Аёлларга текширув усуллари ва режалаштирилган даволаш усуллари ҳақида маълумот берилди, бунинг учун уларнинг ёзма розилиги олинди.

Диагностика, динамик кузатув ва даволаш самарадорлиги клиник, рентгенологик ва иммунологик тадқиқот усуллари билан аниқланди.

Биринчи ташрифда шикоятлар аниқланди, анамнез йиғилди ва клиник-инструментал текширишлар, шу жумладан қўшимча усуллар ўтказилди.

Текширувдан ўтган беморларнинг 16,3% чайнаганда кучаядиган даврий тиш оғриғига, сабабчи тиш соҳасида оқма пайдо бўлишига; 32,6% - тиш тожи рангининг ўзгаришига; 21,7% - пломбаларнинг тушиб қолишига шикоят қилди; аёлларнинг 29,3% таянч конструкция учун тишни тайёрлаш учун ортопед-стоматологга юборилди. Беморлар сабабчи тиш даволангандан кейин анамнезида бир неча йил давомида касалликнинг қўзиш ҳолатлари учради.

Ҳомиладор аёллар ташқи кўрикдан ўтказилганда юз конфигурацияси ўзгармаган, териси физиологик рангда, регионар лимфа тугунлар катталашмаган, палпацияда оғриқсиз.

Клиник текширув пайтида 16,3% аёлларда текширилаётган тишлар соҳасида милк гиперемияси ва шишиши, барча текширилувчиларда тиш тожи рангининг ўзгариши ва тиш тожлари бутунлигининг бузилиши, 20,6% аёлларда тишларнинг I-II даражали патологик кимирлаш, зондлашда ва перкуссияда оғриқнинг йўқлиги аниқланди, қиёсий перкуссия беморларнинг 33,7% да намоён бўлди.


Рентген текшируви босқичида барча бирламчи беморларда рентген визиография ўтказилди, бу беморнинг стоматологик статусини аниқлашда, шунингдек, симптомсиз кечаётган сурункали одонтоген инфекция ўчоқларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Патологик ўчоқларнинг жойлашувини ва периапикал ва бу фуркация зоналарида тўқималар ўзгаришининг намоён бўлиш даражасини, шунингдек, асосий каналдан тармоқланган қўшимча каналларни аниқлаш учун 48 нафар беморга (52,1%) ортопантомограмма текшируви ўтказилди.

Организм ички муҳити доимийлигининг ҳар қандай бузилиши, зарар етказувчи агентнинг табиати, вақти ва кучидан қатъий назар, иммун тизим учун экстремал ҳолатдир. Ички муҳит доимийлиги бузилганда, иммунологик ҳодисаларнинг ривожланиши терининг кичик кесилишида ҳам, катта жароҳатда ҳам тахминан бир хил бўлади. Битиш босқичида иммун тизимнинг бир хил турдаги ҳужайралари, ушбу ҳужайралар томонидан синтез қилинадиган бир хил медиаторлар жалб қилинади, ҳимоя реакциялари тарқалишининг тахминан бир хил босқичлари бўлади. Ҳимоя реакцияларининг интенсивлиги ва уларнинг тарқалиш тезлиги зарар

етказувчи агент таъсирининг кучи ва давомийлиги билан аниқланади. Ушбу схемадан истисно ҳолат - организмнинг шокли реакциялар юзага келадиган касалликлари ҳисобланади.

Текширилаётган аёлларда оғиз бўшлиғи ҳимоя тизимининг ҳолати иммун механизмларнинг цитокин профилида маҳаллий ўзгаришлар билан намоён бўлувчи сезиларли бузилишлари билан бирга кечди.



1-расм. Текширилаётган беморларда қон плазмаси ва оғиз суяқлигининг цитокин профили.

Оғиз бўшлиғи иммун тизими бузилишининг асосий бўғинларидан бири яллиғланиш медиатори - интерлейкин-1 (IL-1) дир. IL-1 эндотелиал ҳужайралар томонидан полиморф-ядроли гранулоцитлар ва моноцитларнинг ёпишишига, шунингдек, ушбу ҳужайраларни яллиғланиш ўчоғига сафарбар қилишга ёрдам берувчи адгезив молекулаларнинг ишлаб чиқарилишини кучайтиради.

Яллиғланиш олди цитокинлари (IL-1) матрица металлопротеиназалари ишлаб чиқилишини кучайтиради, металлопротеиназаларнинг тўқимавий ингибитори ишлаб чиқилишини камайтиради, RANKL (Receptor activator of nuclear factor kappa-B ligand) суяк ремоделлаштируви цитокин тизими фаоллигини келтириб чиқаради ва шу билан алвеоляр суякнинг резорбциясини кучайтиради, шунингдек остеокластларни тўғридан-тўғри фаоллаштиради.

Оғиз бўшлиғи суяқлигидаги цитокинлар дисбаланси ҳомиладор аёлларда яллиғланишли пародонт касалликлар кечиши оғирлигининг кўшимча диагностик ва прогностик белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1-расм келтирилган тадқиқотлар натижаларидан кўра турибдики, қон зардобида IL-1 нинг миқдори оғиз суяқлигига нисбатан ўртача 3,3 баравар юқори бўлиб, оғиз бўшлиғи суяқлигида эса ушбу интерлейкиннинг ортиш даражаси 2 бараварга ошган. Худди шундай динамика ўрганилган намуналардаги дефензин миқдорида ҳам қайд этилди. Аёлларнинг қон

зардобида дефензин даражаси циклик равишда 56% га, оғиз бўшлиғи суюқлигида эса ўртача 1,9 бараварга ортди. Текширилган қон зардобида ва оғиз бўшлиғи суюқлигида ўрганилаётган аларминларнинг кўпайганлиги стрессли вазият фонида яллиғланиш олди цитокини ва антимиқроб пептиднинг мобилизациясини кўрсатади.

4-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, текширилган аёлларда шиллиқ қават иммунитетининг sIgA даражаси 30% га камайди; ИЛ-2 даражаси 12% га камайди. Яллиғланиш олди ИЛ-6 ва ИЛ-8 цитокинларига келсак динамика ИЛ-6 4,8 бараварга, ИЛ-8 эса 15 бараварга ошди.

4-жадвал

ЮЖСда одонтоген яллиғланиш бўлган ҳомиладор аёлларда оғиз бўшлиғи суюқлигидаги sIgA ва цитокинлар даражасининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Назорат n=20	Периапикал туқималарда яллиғланиш жараёнлари бўлган ҳомиладорлар n=40
sIgA (мг/мл оқсил)	252,27±14,53	175,58±12,43
ИЛ-2 (пг/мл оқсил)	113,86±9,34	100,25±8,67
ИЛ-6 (пг/мл оқсил)	310,76±13,78	1498,22±17,23
ИЛ-8 (пг/мл оқсил)	368,48±13,62	5609,3±18,72


Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати иммунитетининг даражасини баҳолаш sIgA нинг сезиларли даражада пасайишини кўрсатади. Оғиз бўшлиғи суюқлигидаги ИЛ-2 даражасининг пасайиши sIgA етишмовчилиги билан бирга пародонт сурункали яллиғланиш касалликларининг шаклланишига ёрдам берадиган ноқулай омил сифатида қаралиши мумкин, бу эса кейинчалик суяк тўқимасида деструктив жараёнлар ривожланишига олиб келади. Яллиғланиш олди ИЛ-6 цитокини қийматлари динамикасини баҳолаш макрофаглар тизимининг юқори фаоллашувини кўрсатади, бу С-реактив оқсил, трансферрин, церулоплазминни ўз ичига олган ўткир фазали реактантлар синтезининг кучайишига олиб келади.

Шундай қилиб, ҳомиладор аёллар умумий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш натижалари оғиз бўшлиғи гигиенаси, сўлак безлари функционал фаоллигининг паст даражали пасайиши, сўлакнинг сирт таранглиги, оғиз маҳаллий шиллиқ қавати иммунитетининг пасайиши, микробиал контаминация даражасининг ошиши каби ноқулай омилларнинг биргаликда таъсирини кўрсатади.

Утказилган текширувларда ҳомиладор бўлмаган соғлом аёллар, сўлакдаги лактоферриннинг медианаси ва ўртача селектив концентрацияси мос равишда 1,03 мкг/мл ва $1,12 \pm 0,05$ мкг/мл ни ташкил этганлиги аниқланди, кватиллар оралиғи 0,76-1,45 мкг/мл га тўғри келди.

Соғлом ҳомиладорлик кечаётган аёлларда барча учинчи триместрда лактоферрин ҳомиладор бўлмаган соғлом аёллар гуруҳига қараганда

сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,05$) ва ҳомиладорликнинг биринчи триместридан учинчи триместригача аста-секин ошиб борди.



3-расм. Клиник гуруҳлардаги аёллар сўлагидagi лактоферрин (мкг/мл) миқдори.

